

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқида
УДК: 339.138:339.13.01(575.1)


ШАРИПОВ ИХТИЁР БАХТИЁРОВИЧ

САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ В2С БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ
ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.11- Маркетинг

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: и.ф.н., доц. Юсупов М



1250

Тошкент – 2023

М У Н Д А Р И Ж А

КИРИШ	3
I - БОБ. САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ В2С БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ИЛМИЙ- НАЗАРИЙ ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТЛАРИ	12
1.1.Сабзавот маҳсулотлари В2С бозори ва унинг ўзига хос хусусиятлари.....	12
1.2. Сабзавот маҳсулотлари чакана савдо тизими ва маркетинги.....	23
1.3. Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси.....	35
I - боб бўйича хулоса.....	46
II - БОБ. САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ В2С БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ	49
2.1 . Ўзбекистонда сабзавот маҳсулотлар чакана савдо тизими ва унинг ривожланиш тенденциялари	49
2.2 . Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида савдо маркетинги каналларининг самарадорлиги таҳлили.....	64
2.3. Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида мижозлар билан ўзаро муносабатлар маркетингидан фойдаланиш ҳолати таҳлили.....	79
II - боб бўйича хулоса	96
III - БОБ. САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИ В2С БОЗОРИДА МАРКЕТИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ	98
3.1. Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида мерчандайзинг стратегияларидан фойдаланиш йўналишлари	98
3.2. Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида мижозга мослашувчан нархлаштириш стратегияларидан фойдаланишни такомиллаштириш	114
3.3 . Сабзавот маҳсулотлари В2С бозорида савдо самарадорлигини рақамлаштириш асосида ошириш йўллари.....	121
III - боб бўйича хулоса	132
ХУЛОСА	134
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	137
ИЛОВАЛАР	150

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон мамлакатларида органик озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмолини ошириш ва сабзавотлар чакана савдоси ва мижозларнинг сабзавотлар танлашига асосий омиллар сифатида, саломатлик, барқарорлик, табиийлик ва қулайлик тенденциялари муҳим омиллар сифатида қаралмоқда. Жаҳон янги сабзавот бозори ҳажми 2021 йилда 632,54 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, 2022 йилдан 2028 йилгача йиллик ўсиш суръати (compound annual growth rate (CAGR)) 2,8% фоизга кенгайиши прогноз қилинмоқда. Мазкур тенденцияда органик сабзавотлар савдоси истеъмоли ривожланган мамлакатларда 95 фоизни ва ривожланаётган мамлакатларда 75 фоизни ташкил этиши кутилмоқда¹. Ривожланаётган ва ривожланган мамлакатларда соғлиқ муаммоларининг кучайиши ва одамлар ўртасида янги ва органик сабзавотлар истеъмолини ошириш бозорнинг асосий ҳаракатлантирувчи омили сифатида намоён бўлмоқда.

Жаҳонда В2С бозорининг ривожланишида онлайн савдонинг юқори суръатларда ўсиб бориши кузатилаётган бўлсада, сабзавотлар бозорида 2021 йилда офлайн канал улуши 80% фоиздан ортиқни ташкил этди.² Истеъмолчилар сабзавот маҳсулотларини харид қилишда маҳсулот сифатини жисмоний текширишлари мумкин бўлган офлайн тарқатиш каналларини афзал кўрмоқда. Дунё бўйлаб сабзавотлар тарқатиш каналлари ва логистика тизимларини самарали интеграциялашуви асосида мижозларга қиймат яратишга қаратилган маркетинг стратегияларидан самарали фойдаланилмоқда. Мазкур ҳолатлар сабзавотлар В2С бозорида мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-

¹ <https://www.grandviewresearch.com/industry-analysis/fresh-vegetables-market-report>

² <https://globalfreshint.com/>